



ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022
Accepted: 02nd June 2022
Online: 05th June 2022

KEY WORDS

Экология ҳуқуқи,
инсонлар маданияти,
Паркент тумани,
атроф-муҳит
муҳофазаси, экологик
маданият, экологик
муаммоларни
бартараф этиш,
инсонлар онгига
таъсир, оммавий
ахборот воситалари,
ривожланиш.

Кириш. «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, аввало, халқнинг ижтимоий-сиёсий турмушини яхшилашга, мамлакатимизни ҳар тарафлама тараққий топтиришга қаратилди».

Ушбу ишларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг

«Тошкент вилояти экологик ҳуқуқи ривожланишининг аҳоли экологик онгига таъсири (Паркент тумани мисолида)»

Вафоева Дилфуза Шафоевна ¹, Марсова Зулайхо ²

^{1,2} ТИҚХММИ Атроф-муҳит муҳофазаси

(Қишлоқ ва сув ҳўжалигида) 2-курс 244-гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6625703>

ABSTRACT

Ўзбекистон шароитида экология ҳуқуқини ривожлантириш тенденциялари, зарурати, соҳада олиб борилаётган давлат сиёсатининг аҳамияти ва истиқболларини ўрганиб, таҳлил қилиш белгиланган. Шунингдек, Паркент туманида экология ҳуқуқи ривожланишининг аҳоли экологик онгига таъсирини ўрганиш мисолида илмий хулосалар чиқаришни кўзда тутди. Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нафақат Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, балки экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳам ҳал этишга ҳамда келажак авлодларнинг мусоффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Тараққиёт стратегиясининг 80-мақсадида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилашга миллий ҳамда умумбашарий масала сифатида қаралгани бежиз эмас.

Янги ишлаб чиқилаётган қонунлар ҳамда уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий, шу жумладан биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган иқтисодий ва экологик сиёсатни рўёбга чиқариш учун қўшимча ҳуқуқий асослар



яратиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларини қонунчилик жиҳатидан самарали тартибга солишга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф қилишга, жамоатчилик назорати тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нафақат Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, балки экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳам ҳал этишга ҳамда келажак авлодларнинг мусаффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади. Экология ҳуқуқи ривожланишининг аҳоли экологик онгига таъсири масаласига мурожаат этилган бўлса-да, айнан Тошкент вилояти Паркент тумани мисолида алоҳида тадқиқот амалга оширилмаган. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Бугунги экологик хавфсизлигимизга таъсир кўрсатаётган таҳдидлар бизнинг зиммамизга муҳим экологик-ҳуқуқий хусусиятдаги вазифаларни ҳал этишдек юксак ва айнаи дамда долзарб маъсулиятни юклайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу вазифани ҳал этишда экология ҳуқуқи алоҳида муҳим ўрин тутади.

Айниқса, бу борада экология ҳуқуқи умумий қисми тизимини ташкил этувчи асосий институтларни ўрганиш ва таҳлил қилиш атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашдаги ҳамда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини кафолатлашдаги аҳамияти улкан.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўз мазмун-моҳиятига кўра бир неча мавзуларни мужассамлаштирган экология ҳуқуқининг умумий қисмидан тайёрланган ўқув-услубий қўлланма талабаларга яхлит ва бир бутун ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган тизимни ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ва муфассал ўрганишга ёрдам беради.

Маълумки, минг йилар давомида инсоният табиат қонуниятлари асосида яшаб, унга мослашиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб келди. Бугунги кунда эса инсоният жамият қонунятлари асосида яшаб, табиат қонуниятларини жамият қонуниятларига мослаштириб, ўз эҳтиёжлари учун табиат неъматларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Бундай муносабатларни эса ҳуқуқ нормаларининг таъсирсиз амалга ошириб бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамият аъзолари онгининг тобора такомиллашиши, янги меҳнат қуролларининг ихтиро этилиши ўз навбатида, инсоннинг турли эҳтиёжларининг ривожланишига олиб келди. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиий ресурслардан фойдаланиб салбий таъсир кўрсата бошлади. Жамият аъзоларининг табиатдан фойдаланиш бўйича



эҳтиёжлари-нинг ошиши, табиий ресурслардан фойдаланиш қуроллари, яъни техникавий воситаларнинг такомиллашишига олиб келди. Ушбу ҳолат ўз навбатида табиатга жамият томонидан бўладиган таъсирларнинг бир неча баробар кўпайишига сабаб бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрларда инсон тафаккурининг ривожланиши илм-фаннинг тараққий этиши ўз навбатида инсоннинг турли эҳтиёжларини қондиришга, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизини мустақамлашга хизмат қилди. Албатта, янги технологик жараён иш унумдорлиги, иқтисодий даромадни кўпайтириши билан бир қаторда табиий ресурсларнинг ҳолатига салбий таъсирларни оширишга, шунингдек табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро мувозанатни бузилишига олиб келиши мумкин.

Экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун миллий ва халқаро ҳуқуқда экологик меъёрлар ва қоидаларни табиат қонуниятларига мос равишда ишлаб чиқиш, уларни ваколатли орган, ташкилот ёки ҳам-жамиятлар томонидан қабул қилиш, унинг иштирокчилари ўртасида ушбу меъёрларни умуммажбурий кучга эга қилиш ва албатта, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик оқибатларни келтириб чиқариш механизмини яратиш зарур. Акс ҳолда, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имкониятини юзага чиқариш асло мумкин эмас.

Шундай қилиб, экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нафақат табиат муҳофазасига, балки халқлар ва давлатлар ўртасида барча маҳаллий, регионал ва глобал

масалаларни тинч-тотувлик билан ҳал этиш ҳамда инсониятни барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилишга олиб келади.

Паркент тумани - Тошкент вилоятидаги туман, бўлиб 1926-йил сентябрда ташкил этилган. Шимол, шарқ ва жанубда Бўстонлик, Оҳангарон, ғарбда Юқори Чирчиқ ва жанубий-ғарбда Ўрта Чирчиқ туманлари билан чегарадош. Майдони 1,08 минг км². Аҳолиси сони қарийб 150 минг кишини ташкил қилади. Туманда 1 шаҳар (Паркент), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бошқизилсой, Бўстон, Заркент, Номданак, Паркент, Сўқоқ, Ҳисарак, Чанги, Корақалпоқ) бор. Туман маркази - Паркент шаҳри.

Паркент туманининг табиати ҳам ўзига ҳосдир. Ўрта Тяншаннинг Чотқол тизмаси ғарбий этакларида жойлашган. Худуди тоғлар билан ўралган. Ер юзаси ғарбдан шарққа баландлашиб боради. Энг баланд жойи —3627,8 м (Қизилнура чўққиси). Релефи тоғ олди текислиги, адир ва тоғлардан иборат. Иқлими тоғ олди ва тоғ иқлимига хос, нисбатан континентал. Текисликларда типик бўз тупроқ, адирларда тўқ бўз тупроқ, тоғ зонасида эса тоғ-ўрмон тупроқлари тарқалган. Тоғ ён бағирларида горлар мавжуд. Сой ва булоқ кўп. Ҳавонинг йиллик ўртача температураси 12°. Йиллик ёғин 536 мм. Вегетация даври 180 кун. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоклари: Паркенсой, Бошқизилсой ва Оқсоқотасой Паркент туманининг асосий сув манбалари ҳисобланади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек Паркент тумани юртимизнинг флора ва фаунаси бой бўлган худудлардан бири ҳисобланади. Паркент тумани республикамиздаги ички туризм




назоратини ўтказиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш;

- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, ягона экологик ва ресурсларни тежаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимликлар, зоология ва ботаника коллекцияларини кўпайтириш ва парвариш қилиш учун питомникларни давлат рўйхатига олиш;

огия ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида экологик таълим, тарғибот ва таълимни ташкил этиш, шунингдек, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Экол
Парк
ент
тума
нида
ҳам,
атро
ф
муҳи
тни
муҳо
фаза



ҳол
атн
и
ях
ши
ла
шн
и
таъ
ми
нла

қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик

ш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали

механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш борасида



бошқарма томонидан бугунги кунда муҳим ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш ишларини назорат қилиб келмоқда. Хусусан бошқарма томонидан Паркент туманида экология ҳуқуқининг ижроси назорати юзасидан кўплаб маданий-маърифий учрашувлар, махсус тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари Паркент туманидаги экология ҳуқуқининг назорати ва экологик қонун-ҳужжатларнинг ижроси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам шуғилланади. Унга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида иштирок этади, ҳудудий экологик дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди, тегишли ҳудудда давлат экологик назоратини амалга оширади, экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан давлат экологик назорати масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.¹

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий

ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, тегишли ҳудудда жамоатчилик экологик назоратини ва атроф муҳитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришда иштирок этади.

Ҳозирги шароитда фуқароларнинг, айниқса ёшларимизнинг, экологик-ҳуқуқий тафаккурларини ошириш катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, экологик-ҳуқуқий тафаккур (инсоннинг) ёшларнинг ақл-заковат хусусияти, экологик-ҳуқуқий қарашлари ва тасаввурларини акс эттириш, экологик қонун ва талаблар моҳиятини билиш, уларни ўзлаштириш, экологик тушунчалар, тасаввурлар, экологик-ҳуқуқий назариялар, экологик қонунларни ҳаётини муаммоларга татбиқ этиш ва тегишли тарзда ҳаётида ўз йўналишини топиш, экологик-ҳуқуқий фаолиятни саводли тушуниш ҳамда уни тўғри ҳал этиш ҳолатида ҳам майдонга чиқади.²

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни.

² Холмўминов Ж. Т. Ёшларда экологик-ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришнинг айрим жиҳатлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999. № 11–12. 26–28-б.



Шундай қилиб, экологик-ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланиши якка шахслар ва кўпчилик экологик-ҳуқуқий онгининг шаклланиши билан боғлиқдир.


Экологик-ҳуқуқий тафаккур фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий воқеликни бевосита акс эттирувчи ва уларнинг мазкур ривожланиши пайтида жамиятнинг экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ҳаёти ҳодисаларига муносабатини ифодалайдиган экологик-ҳуқуқий ғоялари, қарашлари, тасаввурлари мажмуидир.

Тошкент вилояти Паркент тумани экология ҳуқуқи бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат атроф-муҳитни асраб авайлашга ёрдам беради, балки табиатни асл ҳолида сақлашда туман аҳолисининг экологик ҳуқуқий

ривожланишининг аҳоли экологик онгига таъсирини ўрганишга қаратилган сўровномада фуқароларнинг экологик ҳуқуқ йўналишидаги билимлари ва онг даражасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиди. Хусусан, атроф муҳитни арашда инсонларнинг шахсий даҳлдорлик масъулияти, экологик ҳуқуқий билимлари, табиатни асрашда фуқаролик принципларини аниқлашга қаратилган саволлар сўровномадан жой олди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Паркент туманида махсус ваколатли давлат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, хўжалик юритувчи субъектларга давлат,

идорав ий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда ўз вақилининг кузатув



онгини ривожлантириш орқали асосий фактор ҳисобланган антропоген таъсирларнинг камайишига хизмат қилади. Буни Паркент тумани аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлаши мумкин. Паркент туманида экология ҳуқуқи

чи сифатида иштирок этиши тўғрисида таклифлар киритади. Шу биланбирга аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга доир ишларда махсус ваколатли органларга кўмаклашади.



Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилояти Паркент тумани экология ҳуқуқи бўйича олиб борилаётган ислохотлар нафақат атроф-муҳитни асраб авайлашга ёрдам беради, балки табиатни асл ҳолида сақлашда туман аҳолисининг экологик ҳуқуқий онгини ривожлантириш орқали асосий фактор ҳисобланган антропоген таъсирларнинг камайишига хизмат қилади. Буни

Паркент тумани аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлаши мумкин. Паркент туманида экология ҳуқуқи ривожланишининг аҳоли экологик онгига таъсирини ўрганишга қаратилган сўровномада фуқароларнинг экологик ҳуқуқ йўналишидаги билимлари ва онг даражасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
4. Оммавий ахборот фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т., 2009.
5. Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув//Ўзбекистон матбуоти. – 2014.
6. Саидов Ҳ. Журналистикада ихтисослашув муҳимми ёки универсаллик?//Ўзбекистон матбуоти. – 2008.
7. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. — Т.: Тафаккур, 2011.
8. Мўминов Ф. «Журналистика ижтимоий институт сифатида», Т.: Университет, 1998.
9. Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учукн қўлланма. Т., 2014.
10. Қосимова Н.С. Ихтисослашган журналистика фан дастури. 2018 й.
11. Дўстмухамедов Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
12. Алимов Б. Журналистика таълими: халқаро ҳамкорликнинг янги босқичи. «Ўзбекистонда хорижий тиллар» электрон журнали, № 5 (13)/2016.
13. Мирзақобилова М.Т. Демократик жамиятни ривожлантиришда ихтисослашган журналистиканинг ўрни. 2017 й.
14. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // “Халқ сўзи”, 2016, 8 декабрь.